

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚОЛПАҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ПРОЦЕССИ ВА КРИМИНАЛИСТИКА»
КАФЕДРАСИ**

РЕФЕРАТ

**Мавзу: « Халқаро ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси суд
tizими томонидан қўлланилиши»**

Бажарган

3-курс талабаси Олимов Б

Нукус 2012.

МАВЗУ:

**Халқаро ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси суд
тизими томонидан қўлланилиши**

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3-5
I. Боб Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий стандартларни бажаришда суд органларининг роли.....	6-22
II. Боб Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидани ҳимоя қилиниши.....	22-34
III. Боб Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари тизимида ҳимоя қилиш.....	35-45
ХУЛОСА	
Фойдаланган адабиётлар.....	57-59

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган 1991 йилнинг сентябридан бошлаб халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди¹. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси кўплаб жуда муҳим халқаро шартнома ва конвенцияларга қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов миллий давлатчилигимизнинг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини чуқур таҳлил қилган ҳолда давлатнинг ҳозирги тараққиёт босқичидаги ташқи сиёсати борасида муҳим принципларни ишлаб чиқди.

Улар замирида:

Биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантиришдан иборат сиёсати мужассамлашган.

Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсий фаолияти ва мақсадлари, бу соҳадаги ютуқлари унинг ташқи сиёсат олиб боровчи органлари томонидан амалга оширилади. Ушбу масалаларни тайёрлаш ва ҳуқуқий ҳал этиш, уларга ҳуқуқий куч бериш конституциявий ва амалдаги қонунчилик, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормалари томонидан белгиланган қоидалар ва тартибларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Республика ташқи алоқаларнинг конституцион-ҳуқуқий механизми яратмасдан туриб ташқи сиёсий дастурини ишлаб чиқа олмайди ва амалга ошира олмайди. Чунки унинг мазмуни кўп жиҳатдан маълум ҳуқуқий давлат шаклида ўз аксини топади.

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи давомида қонунийликни таъминлашнинг суд ҳокимиятидан ўзга механизми топилгани йўқ, суд ҳокимияти мустақиллиги принципи бизнинг мамлакатимиз ҳам қўшилган жуда кўп халқаро ҳужжатларда, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ҳам ўз ифодасини топган.

¹ И.А.Каримов. Буюк келажак сари. Т., "Ўзбекистон", 1998. 656-б.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, суд ҳокимияти - бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлар устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир.

Шундай қилиб, Республикадаги суд ҳокимиятининг бугунги аҳволини баҳолаш учун одил судлов сифатида ўзини, судда Конституция ва қонунлар талаблари ҳамда судларнинг ҳокимиятининг бошқа тармоқлари, халқаро алоқалари билан муносабатларини амалга ошириш даражасини ижобий таҳлил қилиш мумкин. Умуман олганда судларнинг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ўтган йиллар ичидаги фаолиятини баҳолайдиган бўлсак, бу кўрсаткич анча яхшиланди¹.

Мустақил давлатнинг янги қонунларини ишлаб чиқиш учун жаҳондаги ривожланган давлатларнинг, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганишга зарурат сезилмоқда. Ҳуқуқшунослик фанларини ривожлантириш миллий давлатчилигимизнинг бой меросини ижобий жиҳатларини таҳлил этишдан ташқари жаҳон тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган нуфузли давлатлар тажрибасини қиёсий ўрганишни тақазо қилмоқда.

Ушбу қўлланмада юқоридаги фикрлар ҳақида батафсил ёзилга ҳаракат қилинган ва илмий қарашлар ҳам баён этилган.

Суд том маънода адолат посбони бўлмоғи лозим. суд қонунларимизнинг ҳалқимизнинг, миллатимизнинг йўлини ҳамиша ёритиб турадиган адолат чироғига ўхшайди. Бу чироқ ёритиб турган йўл эса буюк келажакка нурли манзилларга олиб бориши шубҳасиздир.

¹ Мингбоев У. Суд - шундай соқимиятки. Т., "Шарқ", 1999. 116-б.

I. БОБ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАРНИ БАЖАРИШДА СУД ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ

XXI аср бўсағасида давлатлар кун сайин ўзаро ҳамкорликда бир-бирига мустаҳкам боғлиқ бўлиб бормокда ва бу уларнинг ҳуқуқий тизимлари ўртасида ҳамда халқаро ҳуқуқ билан ўзаро ҳаракатини кенгайтишига олиб келяпти. Бу ҳол инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормаларда кўпроқ ўз аксини топган. Чунки бу ҳуқуқлар жамланиб, сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг ҳарактерини, унинг демократизми даражасини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган кундан бошлаб инсон ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмокда. Ўзбекистон бу соҳага тегишли ўнлаб халқаро актлар, шу жумладан 1948 й. инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг, 1966 й. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг иштирокчиси ҳисобланади. Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси 60 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларга қўшилган¹.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун халқаро ҳуқуқ нормаларини мамлакатимиз судлари томонидан бевосита қўлланиши масаласи жуда долзарб бўлиб қолди.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизими янги шароитга ҳали мослашмаган, ўз навбатида тайёр эмас. Судлар ва прокуратуранинг бу соҳадаги амалиёти етарли даражада эмас. Бироқ, аста-секин адлия органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, хўжалик судлари халқаро ҳуқуққа, аниқроғи Ўзбекистоннинг «Ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оила ҳамда жиноий ишлардаги ҳуқуқий муносабатлар» тўғрисидаги икки томонлама шартномаларига кўпроқ мурожаат эта бошлади.

Бугунги кунда ҳукуматларнинг ташқи иқтисодий қарорлари бевосита жисмоний ва юридик шахсларга таъсир этиши мумкин. Уларнинг манфаатлари эса ҳимояга, хусусан суд ҳимоясига муҳтождир. Бундан ташқари, давлатлар ўз фуқароларининг чет элдаги ишлари маҳаллий органлар орқали керакли равишда ҳал этилиши ва давлатларо муносабатларнинг мураккаблашмаслиги учун дипломатик даражагача етиб бормасилигида манфаатдордирлар. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан ташқи алоқаларни амалга оширишда вужудга келадиган низоларни судлар томонидан ўз вақтида ҳал этилиши расмий муносабатлар мураккаблашиши имкониятини олдини олади. Бундай ишларни ҳал этишда суд энг обрўли орган ҳисобланади.

¹ Қаранг: Узбекистан и международные договора по правам человека. Т. «Адолат», 1998.

Шундай қилиб, судларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини амалга оширишдаги ролининг ўсиши нафақат юридик, балки кўпгина бошқа ижтимоий факторларга ҳам боғлиқ.

Бугун республикада суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилаётган бир пайтда кўпгина олим ва амалиётчилар суд қурилишининг устивор йуналишлари ҳақида ёза бошлашди.¹

Давлатлар судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўлланилиши учун асослироқ ҳуқуқий базани ярата бошлади. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «умум тан олинган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларининг устиворлигини тан олиш» ни белгилаб қуйди. Ўзбекистон Республикасининг деярли барча кодекс ва қонунларида халқаро шартномаларга кўрсатувчи нормалар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 7-моддаси², Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик – процессуал кодекси 3-моддаси³, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси⁴.

Халқаро ҳуқуқий адабиётларда суднинг халқаро ҳуқуқ нормаларни бажаришдаги роли жуда юқори баҳоланади. Суд ҳокимияти халқаро нормаларнинг тан олинishi ва таъминланишига кумаклашади деган фикр олдинга ташланади (Б. Ференц АКШга қарши). Судлар халқаро ҳуқуқ нормаларини аниқлаш, тушунтириш ва ривожланишига катта ёрдам берадилар (Л. Генкин АКШга қарши).

Қудратли жаҳон ҳамжамиятини ташкил этиш мақсадидаги жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳуқуқнинг ривожланишида суднинг роли таъкидлаб ўтилади (С. Агавала Хиндистонга қарши). Суд миллий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқ учун қулай мазмунда шархлаш орқали халқаро ҳуқуқнинг примати тасдиқланишига кумаклашади (К. Ҳоллоувей Англияга қарши)¹.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий механизмида суд органлари устивор рол уйнайди. Мустақил суд ҳокимияти – бу иқтисодий тизими ўзгараётган мамлакатлардаги ҳуқуқий ислохотлар, ҳуқуқни эффектив қўллаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий ғоясидир. Судларнинг мазкур соҳада ҳуқуқий тартибга солишдаги ваколатлари 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида» ги Қонун** билан белгилаб қуйилган. Мазкур қонуннинг 4-моддасига биноан: **«Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунлари, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларда кўрсатилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафили бўлиши керак»**. Судлар ўз фаолиятларида қонунда мустаҳкамланган

¹ Қаранг: Абдусаламов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана.....

² Ўзбекистон республикасининг Фуқаролик кодекси. Т. Адолат, 1996 – 7-бет

³ Фуқаролик-процессуал кодекси. Т. Адолат, 1997

⁴ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси. Т. Адолат, 1998.

¹ Алексеева О.Б., Жуйков В.М., Лукашук И. И., Международные нормы о правах человека и применение их судами Российской Федерации. И. Права человека, 1996 г.

одил судловнинг умумий принциплари, яъни одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, фуқароларнинг тенглиги, суд мажлисларининг ошкоралиги ва очиклиги, ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш принципларига асосланади. 9-модданинг 3-қисми бу ҳолатни конкретлаштиради: *«Хеч ким кийноққа, зурликка, шафқатсиз ёки бошқа инсон гурӯҳини камситадиган муносабатга солиниши мумкин эмас»*.

Жиноят процесси иштирокчиларини бевосита ҳимоя қилишдан ташқари судлар томонидан дастлабки ва суд тергови мобайнида кийноқлар ва фуқароларга нисбатан шафқатсиз, ғайриинсоний муносабат фактларини олдини олиш бўйича фаол ишлар амалга оширилади. Бундай ишларнинг йуналишларидан бири – алоҳида жиноий-процессуал нормаларни шарҳлаш ҳисобланади.

Шу маънода ишни суд ишларини юритишга ижро этиш фаолиятини ҳам киритса бўлади. Суд ишларини юритиш, кўриш функцияси агар хоҳлаган жисмоний ёки юридик шахс узининг ҳуқуқлари бузилганда хоҳлаган давлатнинг жисмоний ёки юридик шахсига, шу жумладан давлат муассасасига нисбатан талабини қуя олган ҳолдагина ҳуқуқий жамиятнинг шартларига мувофиқ бўла олади.

Юқорида кўрсатилган функциялар низоли ҳолатларга олиб келади. Шунинг учун суд ишларини юритиш бошқа давлат структураларидан мустақил ва шу билан бирга ҳокимиятдаги давлат монополиясининг қисми бўлиб қолиши керак. У фақат ҳуқуққа тобеъ бўлган юқори даражали институт ҳисобланади. Суд ишларини юритиш бир вақтнинг узида ҳокимият бўлинишининг умумий структураси компоненти ҳисобланади ва ушбу ҳокимият бўлинишини назорат қилиб туради.

Турли хил мамлакатлар суд ишларини юритишни барпо этишда турли йулларни танлаб олганлар. Бу билан бирга умумий муаммоларнинг ўзига хос комплекси сифатида қуйидагилар аниқланди:

Биринчидан, судларни олиялаш ва моддий жихозлаш;

Иккинчидан, судьяларни уқитиш, уларни танлаш ва тайинлаш;

Учинчидан, судларнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларга бўлган муносабати;

Тўртинчидан, прокуратуранинг роли.

Суд ишларини юритишни ташкил этиш моделлари адлия вазирлигининг ва қисман парламентнинг кучли позициясидан то судларнинг бутунлай автономияси ва суд бирлашмаларини ташкил этиш орқали узини узи бошқаришини ўз ичига олади. Баъзан аралаш шакллар ҳам мавжуд. Мазкур босқичда кўпгина иқтисодий тизими узгараётган давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда айтиб ўтилган йуналишларга мослашган қонунлар ишлаб

чиқилмоқда. Бундан келиб чиқиб «суднинг мустақил ҳокимият сифатида қайта тикланиши Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотнинг асосий ғояси бўлиб қолди»¹.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида янги сифатли суд ҳокимияти барпо этилди, суд ваколатлари анчагина кенгайди. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини судда ҳимоя қилишни кафолатловчи ҳуқуқий нормалар шаклланди. Энди ушбу нормалар кундалик суд амалиётига, одамларнинг кенг ижтимоий онгига кириб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил суд ҳокимияти адолат ҳамда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган асосий демократик институтдир. Шундан келиб чиқиб суд ислохотларини чуқурлаштириш лозим. «Суд қораловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга ушиб бориши, ҳақиқий мустақил бўлиши керак»².

Бунинг учун: **биринчидан**, халқ маслаҳатчилари институтини ислох қилиш керак; **иккинчидан**, суд тузилмаларини мукаммаллаштириш, уларни янгилар билан тулдириш керак; **учинчидан**, суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш амалга ошириш керак; **тўртинчидан**, судларнинг ижро этувчи ҳокимият билан ўзаро муносабатини тубудан қайта кўриб чиқиш вақти келди; **бешинчидан**, адвокатлар институтининг роли ва аҳамиятини кутариш керак¹.

Олий Мажлиснинг тарихий олтинчи сессиясидан кейин суд ислохотининг санаб ўтилган вазифаларидан фақатгина охирги пункти бажарилди. тган давр мобайнида адвокатура мақомини мустаҳкамлашга қаратилган иккита муҳим қонун қабул қилинди. Суд «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунлар ҳақида кетяпти.

Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясидаги нутқидан келиб чиқиб, бош вазифалардан бири – бу давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланишидаги «либераллаштириш»дир. Бу барча ҳокимиятлар бўлиниши принципининг мустаҳкамланиши, ҳокимиятчилик ваколатларининг аста-секин ноҳукумат ва жамоатчилик ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш демакдир.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишни таъминлаш Ўзбекистоннинг нафақат ички иши, балки БМТ Устави, халқаро шартномалар, конвенциялар бўйича мажбурияти ҳамдир.

¹ Каримов И.А. Важнейшие задачи углубления демократических реформ на современном этапе. Т. Узбекистан. 1996 г

² Каримов И.А. Важнейшие задачи углубления демократических реформ на современном этапе. Т. Узбекистан 1996 г

¹ Уша ерда 106-107-б.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишни таъминлаш масалалари жаҳон ҳамжамиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ нормаларини давлат ичида амалга оширишда суднинг роли жуда муҳимдир. Амалга оширишнинг усули ўзига хосдир, чунки бу мақсадда суд процессидан фойдаланилади. Суд халқаро ҳуқуқ нормаларининг, хусусан инсон ҳуқуқларига оид нормаларнинг амалга оширилиши устидан суд назоратини таъминлайди. Суд халқаро ҳуқуқ нормаларини мажбурий амалга оширилишининг, ушбу ҳуқуққа ҳос камчилик бўлмиш инструментларидан биридир.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида халқаро майдонда турли соҳаларда ҳамкорликни фаол равишда олиб бормокда. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш халқаро ҳамкорликнинг асосий йуналишларидан бири ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш БМТ Уставида, инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топади.

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига таркибига кирди ва бугунги кунга келиб инсон ҳуқуқлари бўйича 42 та халқаро халқаро шартномаларга қўшилди¹. Демак, Ўзбекистон учун инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш БМТ Устави, халқаро пактлар, конвенциялар бўйича мажбурият ҳамдир.

Халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларни амалга ошириш механизми қуйидаги омилдан иборат: халқаро стандартларга мувофиқ тузилган инсон ҳуқуқлари бўйича органларнинг ваколатларини сузсиз тан олиш².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-10 боблари инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган. Умуман олганда унинг қоидалари давлатимизнинг бу соҳадаги халқаро стандартлари ва халқаро мажбуриятларига, биринчи навбатда эса:

- БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига;
- 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга;
- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга ва унинг Факультатив баённомасига жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига биноан ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш, давлат органларининг,

¹ Саидов А.Х. Республика Ўзбекистон и международное сотрудничество в области прав человека. Узбекистан и международные договора по правам человека. Т. Адолат, 1998

² Норов. В., Сақимов Ш. Международное сотрудничество и развитие законодательных основ в области прав человека в Республике Узбекистан. Т. 1996

жамоат ташкилотларининг, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолатланган¹.

Ушбу конституцион қоидалар суднинг жамият ва давлатда уйнайдиган ролини анчагина оширади, унга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ута муҳим вазифани юклайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий мажбуриятларини сўзсиз риоя қилиш - мамлакатимиз судларининг бош вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Суд ҳокимиятига бугунги кунда ушбу муҳим вазифани бажариш учун қуйидагилар зарур:

биринчидан, етарлича ваколатларга эга бўлиш;

иккинчидан, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигининг ишончли кафолатларини (яъни, уларнинг фаолиятига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг аралашмаслигига);

учинчидан, унинг нормал ва эффектив функция қилиши учун шарт-шароитлар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги суд ҳокимиятининг ваколатлари етарли: судда хоҳлаган давлат органи ёки мансабдор шахснинг инсон ҳуқуқларга зид келадиган индивидуал акти устидан, қонунга зид келадиган норматив актлар устидан ёки Ўзбекистон Конституциясига зид қонун устидан шикоят қилиш мумкин; судлар конкрет ишларни кўриб чиқишда факторларни белгилаш ёки ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва улар ўртасидаги коллизияни ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни ўзлари ечадилар.

Юридик нуқтаи назардан суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва судьяларнинг дахлсизлиги кафолатлари борасида ишлар анча муваффақиятли. Ўзбекистонда учинчи ҳокимият мақомига эга бўлган суд органлари қолган иккита ҳокимият, сиёсий партиялар ва бошқа жамиятчилик бирлашмаларидан мустақил равишда фаолият олиб борадилар. Юқорида кўрсатилганлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддаси², шунингдек 1985 йилда қабул қилинган ва 1997 йилда Ўзбекистон қўшилган «Суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий принциплари»да³ кўрсатилган.

Тан олиш керакки, мазкур кафолатларни амалиётда таъминлаш эса ёмон аҳволда. Судьялар ва улар оила аъзоларининг хавфсизлиги амалиётда таъминланмаган. Улар эса ҳимояга муҳтож. Ишлаш шароитлари охириги пайтда уларни яхшилаш учун анчагина чоралар кўрилганига қарамасдан ёмон аҳволда. Республика хўжалик судлари бундан мустасно.

Бу муаммоларни дарҳол ҳал этиш керак. Чунки Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қанчалик реал таъминланиши айнан шу муаммоларни ҳал этишга боғлиқ. Бу борада яқиндагина “Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Адолат 1999

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Адолат, 1999

³ Права человека и судопроизводство. Сборник международных документов. Варшава

Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ҳам 112 моддасида таъкидланганидек: “Судьялар мустақилдирлар фақат қонунга бўйсунадиларю судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади ва бошқалар...”¹.

Судлар халқаро ҳуқуқ нормаларини давлат ҳуқуқи билан белгиланган тартибда қўллайдилар. Бу табиий, чунки бевосита қўллаш учун улар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий урф-одатларини тўлароқ назарда тутадилар. Ниҳоят, судьяларга миллий ҳуқуқ халқаро ҳуқуққа нисбатан айтиб бўлмайдиган даражада яқинрокдир.

Суд амалиётидаги миллий ҳуқуққа ихтисослашишни таъкидлаганда, бошқа тенденцияга эътибор бермай бўлмайди: судьяларнинг ҳуқуқий онгини интернационаллаштириш жараёни рўй бермокда. Судлар борган сари ҳал қилинаётган ишларнинг халқаро ҳуқуқий омилларини камроқ четлаб ўтишмокда.

Халқаро ҳуқуқ устиворлигини тан олишни миллий ҳуқуқ ривожланишининг умумий тенденцияси деб уйлаймиз. Асосий қонунлар бунга яққол мисол бўла олади. Замонавий конституцияларнинг кўпчилигида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устиворлиги ва уларни миллий ҳуқуқ билан бевосита бир қаторда қўлланилиши кўрсатиб ўтилган.

Судлар томонидан халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг принципал асослари биттадир. Шу билан бирга маълум специфика ҳам мавжуд. Халқаро ҳуқуқ нормаларини конкрет ишларда қўллаш қуйидагилардан иборат:

- 1) Ишнинг фактик ҳолатларини белгилашдан;
- 2) Фактик ҳолатларнинг ҳуқуқий таснифидан, яъни улар халқаро ҳуқуқ нормаларига тааллуқлими ва агар тааллуқли бўлса, айнан қайси нормаларга;
- 3) Ишга тааллуқли нормаларнинг юридик тавсифини белгилаш, уларнинг ҳаракат доирасидан;
- 4) Нормалар таркибини белгилаш, яъни уларни умумий шархлашдан;
- 5) Нормаларни мазкур фактик ҳолатларга нисбатан қўллаш усуллари ҳақидаги қарорни қабул қилишдан;
- 6) Қабул қилинган қарорнинг амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ҳаракатлардан.

Миллий ҳуқуқ халқаро шартномаларни давлатни ичида қўллашнинг умумий тартибини белгилаб беради. конкрет шартнома, унинг қарорларини қўллашга келганда эса, ҳамма нарса уларнинг таркибига боғлиқ.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. // Халқ сўзи. 2003 йил 21 май. 3 бет.

Таркиб етарли даражада конкрет ва миллий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтира оладиган бўлиши керак. Яъни, суд органларининг индивидуал ҳуқуқни қўллаш актлари учун асос бўлиб хизмат кила оладиган бўлиши керак.

Инсон миллий ҳуқуқ билан кундалик ҳаётида тўқнаш келади ва у орқали унинг ҳуқуқий онги шаклланади. Бевосита халқаро ҳуқуқ билан анча камроқ дуч келади. Халқаро ҳуқуқий онгни шакллантириш борасида органларнинг мақсадли йўналтирилган ҳаракатлари зарур. Бу ишда суднинг ўрни ўзига хосдир. Сўнгги йилларда ҳуқуқий билимларни тарқатишда оммавий ахборот воситалари позитив қадамлар ташламоқда, аммо бу етарли эмас.

Улар томонидан судларнинг фаолияти жуда кам ёритилмоқда. Чет эл мамлакатларининг тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, суд амалиётидан хабардор бўлиш оммавий ўқувчига унинг ҳуқуқий онги ривожланиши учун жуда муҳим ва шу билан бирга судлар фаолияти устидан жамоат назоратининг бир шаклдир.

Сўзсиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси кўп киррали ва уни фақат суд фаолиятига боғлаш керак эмас – у иқтисодиётга ҳам, экологияга ҳам, маданиятга ҳам, маънавиятга ҳам, жамиятдаги шарт-шароитларга ҳам боғлиқ. Аммо суднинг роли жуда муҳимдир ва унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги ишлар аҳволига таъсир қилиш имконияти жуда каттадир.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш соҳасида бир қанча асосий хужжатларни ратификация қилган. Ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 60 етди, ўнтага яқини эса бевосита одил судловни амалга ошириш муаммосига боғлиқ (1966 й. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1985й. суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари, 1992й. юқори даражадаги Хельсинки учрашувларининг декларацияси, 1984 й. қийноқлар ва муносабат ва жазоларнинг бошқа шартсиз, ғайриинсоний ёки гурурни камситувчи турларига қарши конвенция, 1979 й. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий тартибни куллаб-қувватлаш борасидаги одоб-ахлоқ кодекси, 1989 й. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенцияси ва бошқалар). «Судлар тўғрисида»ги Қонунга халқаро ҳуқуқий актлар ва миллий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро муносабати жараёнини тартибга солувчи махсус норманинг киритилиши - даврнинг муҳим талабидир. Афсуски, мамлакат қонунчиликда умумий тарзда суз юритилган. Халқаро ҳуқуқий хужжатлар норма ва принципларининг имплементацияси Ўзбекистон ҳуқуқий ва суд тизимнинг асосий принципларидан бирига айланиши керак.

Муаллиф Б. Исмоиловнинг қуйидаги фикларига қушилади: **«судларни иқтисослаштириш ... давр талабидир.** Суд амалиётининг анализи шуни кўрсатадики, бугунги кунда судлар кўраётган ишларнинг сони ва мураккаблиб ошиб бормоқда. Реал одил судловни амалга ошириш судьялардан махсус билим ва катта амалий тажрибани талаб этади. Афсуски, бугунги республика судьялари бир вақтда турли категориядаги ишларни кўриб чиқишга мажбурлар.

Вақти келганда судьяларда турли категориядаги муракаб ишлар кўпийиб кетади. Кўпинча ишни кўриб чиқиш судьялардан махсус билимни талаб қилади. Бу борада биз қонунга ва республика суд тизимга асосий принциплар қаторида судларни ихтисослаштириш принципини киритишни таклиф этамиз. Фикримизча, энг потимал қарор – бу кўрсатиб ўтилган принципнинг қонунинг алоҳида моддада мустаҳкамланишидир¹.

Ихтисослаштириш зарурияти зарурий реаллик эканлигидан келиб чиқиб, биз республика суд тизимига Ўзбекистонда **ювенал адлияни** тузишни кузлайдиган махсус нормаларни киритишни таклиф этамиз. Бугунги кунда Ўзбекистон кўрсатиб ўтилган судлар системасини тузиш заруриятини кузлайдиган бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган.(1989 й. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенцияси, 1990 й. Болаларнинг тирик қолиши, ҳимояси ва ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги Бутунжаҳон декларацияси, 1991 й. ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон республикаси Ҳукумати ўртасидаги асосий битим, 1992 й. Болалрни бошқа мамлакатларга угирлаб кетишнинг фуқаролик омиллари тўғрисидаги Гаага конвенцияси ва б.). вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга ўзига хос ёндашувнинг зарурияти бугунги кунда алоҳида шарҳлашни талаб этмайди. Кўпгина демократик малакатларда вояга етмаганларга нисбатан одил судлов ювенал судьялар томонидан амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, **махсус пенитенциар судларни** тадбик этиш давр талабидир. Бир неча йиллар давомида кўпгина демократик мамлакатларда пенитенциар (камок) судлари фаолият кўрсатмокда. Уларнинг ваколатларига қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш киради: кулга олиш ва хибсга олишнинг ҳуқуққа мувофиқлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуққа ҳилоф ҳаракатлари устидан шикоятларни, пенитенциар муассасанинг персонали томонидан номаъқул муносабати устидан шикоятларни, муддатдан илганри шартли озод этишни қўллашни, алоҳида категорияли ишларни қайта кўриш ва б. Бугун мамлакатнинг жиноийахлоқ тузатиш сиёсати устиворлари демократик шаклни олаётган бир пайтда юқорида кўрсатилган судларнинг мавжудлиги ҳам давр талабидир. Зеро бундай судларни тузиш 1984 й. Кийноклар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва инсон гурўрини камситаувчи муносабатларга қарши конвенция, 1984 й. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий тартибни куллаб қувватлаш бўйича одоб-ахлоқ кодекси нормаларида кўрсатилган.

Бир қатор чет эл мамлакатларининг амалиётида **маъмурий низолар бўйича судлар ёки маъмурий судлар** ҳам кенг қўлланилади. Бу судларнинг ваколатига маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича, информацион низолар бўйича, майда жиноий ҳуқуқбузарликлар бўйича, сайлов қонунчилигини бузиш бўйича ишлар киради. Уйлашимизча, кўрсатиб ўтилган амалиёт ютукли томонлардан ҳоли эмас ва бу судларни Ўзбекистонда ҳам шакклантириш мумкин.

¹ Исмаилов Б. И. Суды нужно специализировать//Народное слово. 2000. 7 октября

II. БОБ ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТОМОНИДАНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси суд тизимидаги янги тузилма ҳисобланади. Унинг ташкилий ҳуқуқий асослари республика Конституциясида мустаҳкамланган. Конституциянинг 108-моддасига биноан Конституциявий судга қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар актларининг конституционлиги тўғрисидаги ишларни кўриш юклатилган¹

Конституциявий суднинг мақоми Конституциянинг янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонунинг 109 – моддаси, яъни “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукуматининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади”¹. ҳамда 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Конституциявий суд тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган.

Конституциявий суд инсон ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш механизмида ўзига хос ўринга эга. Б. Мирбобоевнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддаси мувофиқ фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Конституциявий судга қуйидаги ҳолларда мурожаат этишлари мумкин, агар улар:

биринчидан, ўз ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонуни ёки Олий Мажлис қабул қилган бошқа акт, ҳуқуқмат ёки маҳаллий давлат бошқаруви

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т. Адолат. 1997

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. // Халқ сўзи. 2003 йил 21 май. 3 бет.

органи қарори, халқаро шартнома ёки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияга зид келадиган бошқа мажбурияти томонидан бузилган деб ҳисоблашса;

иккинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ёки Қорақалпоғистон Республикаси қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келади деб ҳисоблашса;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беришни сурашса².

Бироқ Конституциявий судга «мурожаат қилиш» ва «масала киритиш» ўртасида фарқ бор. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига биноан Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жокаргы Кенеси, Олий Мажлис депутатларининг умумий таркибининг тўртдан бир қисмидан кам бўлмаган депутатлар гуруҳи, Олий суд Раиси, Олий хўжалик суди Раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори эга. Масала, шунингдек, Конституциявий суднинг камида учта судьясининг ташаббуси билан киритилиши мумкин.

Фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаатлари Конституциявий суд судьялари томонидан ўрганиб чиқилади ва унинг натижасига кўра, юқорида кўрсатилган нормага биноан, судьялар ташаббуси билан Конституциявий судга киритилиши мумкин. Бизнинг фикримизча, мазкур жараён Конституциявий судни фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун очиқлигини таъминлайди.

Демак, Конституциявий суднинг юрисдикцияси фуқароларнинг ҳуқуқларини ноконституциявий қонунлардан ҳимоя қилишга қаратилган, яъни у қонун чиқарувчининг қарорларини назорат қилади.

Бироқ Конституциявий суд инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини амалга оширишда фақат фуқароларнинг мурожаатини кўриш билан чекланиб қолади деб бўлмайди.

Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатлари деярли барча функцияларда амалга оширилади: у Олий Мажлис қабул қилган барча қонун ва бошқа актларнинг, Президент фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари қарорларининг конституционлигини текширади. Маълумки, уларнинг кўпчилиги инсон ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган.

Шунингдек, Конституциявий суд фуқароларнинг ноконституциявий судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишидан ҳимоя қилади. Бундай конкрет факт билан боғлиқ процедура Олий Суд Раиси томонидан, у фуқаролик, маъмурий ва жиноий ишларни кўриб чиқиш давомида қонуннинг конституцияга зидлиги аниқласа Конституциявий судга киритилади. Бу ҳолда,

² Вестник Конституционного суда Республики Узбекистан. Выпуск №1-Т. 1998

1996 йил 20 декабрда қабул қилинган «Суд ҳокимияти тўғрисида» ги Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг қўшма қарорига биноан, Конституциявий суд Конституцияга зид қонунни текшириб чиққунига қадар суд ишни кўришни тўхтатиб туради¹.

Конституциявий судга киритилган масалалар Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқилади. «Конституциявий суд тўғрисида» ги қонуннинг 6-моддасига биноан Конституциявий судда қарорларни қабул қилиш таркибида камида тўртта судьядан иборат коллегиял равишда амалга оширилади. Суд мажлисида кўриб чиқилган масала бўйича қарор очик овоз бериш орқали қабул қилинади ва унга мажлисда ўтирганларнинг кўпчилиги овоз берганда қабул қилинган деб ҳисобланади.

«Конституциявий суд тўғрисида» ги қонуннинг 97-моддасига биноан Конституциявий суднинг қарори матбуотда эълон қилинганидан кейин кучга киради.

Масалан: 1997 йил 17 июнда Конституциявий суд очик суд мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 24 августдаги 394-сонли қарори билан тасдиқланган «Педагогика ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузишнинг контракт шакллари тўғрисидаги Низом» нинг конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқди.

Ушбу низомга кўра давлат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, касб-хунар мактаблари, умумий таълим мактаблари педагогик ходимлари билан меҳнат шартномаси контракт асосида 1 йилдан 5 йилгача тузилади.

Вазирлар Маҳкамасининг вакилини, эксперт хулосасини эшитиб чиқиб, Конституция, Меҳнат кодекси, «Таълим тўғрисида» ги қонунни кўриб чиқиб, Конституциявий суд «Низом» Конституцияга зид ва педагогик ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини чеклайди деган хулосага келди. Ушбу хулосани чиқаришда у қуйидагиларга сосланди:

биринчидан, Конституциянинг 14-моддасида айтилишича, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамиятнинг манфаатларида ижтимоий адолат ва қонунийлик принципига асосланиб амалга оширади. Конституциянинг 18-моддасида фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга ҳамда қонун олдида тенглиги кўрсатилган. Конституциянинг 37-моддаси барча фуқароларга меҳнат қилиш ва меҳнат қилиш учун адолатли шароитларни кафолатлайди;

иккинчидан, ҳар кимга ишга кириш имкониятларининг, меҳнат ва бандлик шароитларининг тенглиги Меҳнат кодексининг 58-моддасида ҳам кўрсатилган. Мазкур Кодекснинг 76-моддасига биноан муддатли шартномалар фақат ишнинг характери, унинг бажариш шартлари ва ходимнинг манфаатларини ҳисобга олиб тузила олмаган ҳолда тузилади. Шунингдек қонунда кўрсатилган ҳолларда тузилади.

¹ Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. Именем закона.-Т.1997

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур «Низоми» Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14, 15, 18 ва 37-моддаларига зид эканлиги белгиланган. Конституциявий суд педагогик ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилди.

1998 йил 26 феврал куни Конституциявий суд очиқ суд мажлисида Меҳнат кодексининг тиббий ходимлар учун иш вақтини белгилашга тааллуқли 118-моддасининг конституционлигини кўриб чиқди¹.

Масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институтининг мурожатига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари ташаббуси билан киритилди.

Маърузачи судьянинг маълумотини, эксперт мулоҳазасини эшитиб чиқиб, ишнинг материалларини ўрганиб чиқиб, Конституциявий суд белгилади: 1935 йил 22 июнда қабул қилинган ва Ўзбекистон қўшилган «Ҳафталик иш вақтини 40 соатгача қисқартириш тўғрисида»ги 47-сонли Конституциянинг 1-моддасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ ходимларнинг ўртача ҳафталик иш вақти қирқ соатдан ошиши мумкин эмас (115-модданинг 1-қисми). Лекин бизнинг қонунчилигимиз бу масалани янада чуқурлаштирди. Алоҳида категориядаги ходимларга уларнинг ёши, саломатлиги, меҳнат шароити, меҳнат функциясининг спецификаси ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, қонунчилик ва бошқа норматив актларга ҳамда меҳнат шартномасининг шартларига мувофиқ иш ҳақи камайтирмаган ҳолда қисқартирилган ишвақти белгиланади.

Юқорида баён этилганлар асосида Конституциявий суд қарор қилди: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган меҳнат ҳуқуқларининг ҳимояси манфаатларидан ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 118-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартда тасдиқланган «алоҳида ҳарактерли меҳнат ходимлари руйхати»да санаб ўтилмаган тиббий ходимларнинг ҳафталик иш вақти нормаси ўттиз олти соатдан ошмаслиги керак деб ҳисоблансин.

Шундай қилиб, Конституциявий суд фуқароларни Конституцияга зид қонун ва норматив актлардан ҳимоя қилиш орқали Ўзбекистон томонидан қабул қиланган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни бажариш ва амалга оширишда катта роль уйнайди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси деярли ўн йиллик ташкил этилиши ва фаолияти тарихига эга. «ККАССР Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида»ги биринчи қонун Қорақалпоғ АССР Олий Совети томонидан 1990 йил 19 июлда қабул қилинган.

Қорақалпоғистон Республикасининг янги Конституцияси 1993 йил 9 апрелда қабул қилинди ва унинг 107 ва 108-моддалари конституциявий назоратга бағишланган. Ушбу муносабат билан 1993 йил 6 августда «Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар

¹ Вестник Конституционного суда Республики Узбекистан. Выпуск №1, Т.1998

киритилди. Мазкур қонун бўйича Конституциявий назорат қўмитаси юқори ҳокимият ва бошқарув органлари актларини Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш, инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлатнинг демократик асосларини ҳимоя қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 108-моддасига биноан:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жокаргы Кенес топшириғига биноан унга Қорақалпоғистон Республикаси қонун лойиҳалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жокаргы Кенесга кўриб чиқиш учун киритилган бошқа актларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

2. Жокаргы Кенеснинг депутатларининг камида 1/5, Қорақалпоғистон Республикаси Жокаргы Кенеси Раисининг таклифига биноан Жокаргы Кенесга у томондан қабул қилинган қонунлар ва бошқа актларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тақдим этади.

3. Жокаргы Кенеснинг топшириғи, Жокаргы Кенес депутатларини камида бешдан бирининг, Жокаргы Кенес Раисининг таклифларига биноан Жокаргы Кенесга Қорақалпоғистон Министрлар Совети қабул қилган қарорлар ва фармойишларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тақдим этади¹.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси ўз ташаббуси билан Қорақалпоғистон юқори давлат ҳокимияти органлари актларининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Қўмита аъзолари «Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида»ги қонунда белгиланган ваколатлари доирасида асосан қонунлар, Жокаргы Кенес Президиуми қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Совети қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларининг Конституцияга мувофиқлиги устидан доимий назорат олиб борадилар. 1997 йилда Қўмита аъзолари Жокаргы Кенеснинг 38 та қарорини ўрганиб чиқдилар ва қонун лойиҳалари бўйича 32 та таклиф киритдилар; Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Советининг 500 та фармойиши ва қарорини ўрганиб чиқдилар ва бунинг натижасида Министрлар Советига 36 та қарорнинг Конституция ва қонунларга зид эканлиги тўғрисида хулосалар тақдим этдилар. 1998 йилда Қўмитага Жокаргы Кенеснинг 70 та қарори, 24 та қонун лойиҳалари, Қорақалпоғистон Республикасининг 640 та қарор ва фармойишлари келиб тушди.

¹ Конституция Республики Каракалпакстан .- Нукус: Каракалпакстан, 1993

Кўпинча бу Министрлар Советининг вазирликлар, кўмиталарни тўғрисидаги Низомларни тасдиқловчи қарорлар, шунингдек, у ёки бу қонунга мувофиқ бўлмаган ҳокимлар қарорлари ёки тегишли қонун нотўғри шарҳланган қарорлардир. Мисол учун: Министрлар советининг 3.09.1998 й. да қабул қилган «Халқ дружинасини ташкил этиш тўғрисида»ги 255/8 қарорини бекор қилиш тўғрисида хулоса қабул қилинган.

1996 йил 28 июнда Конституциявий назорат кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва юқори давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари актларининг мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш бўйича фаолиятини тартибга солувчи учинчи қонун қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг 15-моддасига биноан Кўмитанинг қонун лойиҳалари, Жокаргы Кенес қарорлари ва Жокаргы Кенес Раисининг фармойишлари бўйича хулосалари ушбу актларнинг ҳаракатини тўхтамайди. Бошқа актларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосалар зиддиятлар бартараф этилгунга қадар ушбу актларнинг ҳаракатини тўхтатади.

1997 йил 15 декабрд бўлиб ўтган Жокаргы Кенеснинг XII – сессиясида Қорақалпоғистон Конституциясига ўзгартиришлар киритилди. Бунга асосан 1998 йил 7 мартда Конституциявий назорат кўмитаси тўғрисидаги қонуннинг янги тахрири қабул қилинди.

Бошқарув ва ҳокимият актларида асосий инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши тўғрисидаги Конституциявий назорат кўмитасининг хулосаси ушбу актлар кучини йўқотишига олиб келади.

Демак, 10 йиллик фаолияти давомида Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат кўмитаси конституция ва қонунларнинг устиворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини ҳамда давлатнинг демократик асосларини таъминловчи давлат мустақил органи сифатида оёққа туриши ва мустақамланишидаги мураккаб босқични босиб ўтди десак адашмаймиз.

Ушбу демократик органнинг оёққа туришига Ўзбекистон Конституциявий суди билан ўзаро ҳамкорлик ҳамда кўмита аъзоларининг ҳокимиятнинг назорат органлари фаолиятига бағишланган халқаро семинарлардаги иштироки кўмак бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида барча соҳалардаги норматив-ҳуқуқий базанинг янгиланиши, қонунларга риоя этиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатининг кенгайиши Ўзбекистон Конституциявий суди ва Қорақалпоғистон конституциявий назорати фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий изланишларнинг аҳамиятини талаб этади.

Ўз навбатида, ушбу салоҳият давлат ҳокимият органлари фаолиятидаги ҳокимият бўлиниши принципини аниқ институционаллаштиришга боғлиқ.

Ҳокимият бугинлари ўртасидаги ўзаро муносабатлари амалиётини анализ қилиш ва баҳолаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши

тендецияларини, республика оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий тарғибот эффективлиги муаммоларини, турли аҳоли табакалари ҳуқуқий онгини кенг ўрганиб чиқиш ҳам илмий, ҳам амалий кучларникоординация қилишини талаб этади. Менинг фикримча, амалдаги қонунларни, Конституция ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий нормаларини амалга оширишнинг амалий чораларини ишлаб чиқишга имконият беради.

ХУЛОСА

Меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси тўлиқ тартибга солинган. Бу барча халқаро ва миллий нормалар фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар томонидан қўлланишга қаратилган. Масалан, 1998 йил 28 январда Нукус шаҳар суди фуқаро Шнинг даъво аризасини кўриб чиқди. Унга биноан «МСПК-430» корхонасида иш ўринлари қисқариши муносабати билан бош директор томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 101, 102, 103-моддаларига риоя этилмаган. Яъни, Ш.нинг ишдан бўшатилиши касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилмаган (УР Мкнинг 101-м.), ходим эса иш жойи қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши ҳақида икки ой аввал ёзма равишда огохлантирилмаган; иш берувчи ходимнинг оилавий ахволи ҳисобга олмаган: у оиланинг ягона боқувчиси ва унинг қарамоғида меҳнатга лаёқатсизугли ҳамда рафикаси бор (ЎЗ Мкнинг 103-м.). Юқорида айтиб ўтилганлар асосида суд даъвони кониктириш ва фуқаро Ш.ни «МСПК-430» Коллектив корхонасининг ҳисобчиси лавозимига тиклаш ҳамда мажбурий прогул вақти учун ўртача ойлик маошини тулаш ҳақида қарор чиқарди¹.

Шундай қилиб, фуқаро Ш.нинг ҳуқуқий ҳолатини тиклаш орқали суд унинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ноқонуний ишдан бўшатишдан ҳимоя қилди.

Оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқарган, судлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида кўрсатилган бола ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қиладилар.

Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар иштирокчиси бўлган Ўзбекистон Республикаси уларда кўрсатилган бола ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишни миллий қонунчилик микёсида мустаҳкамлаш орқали таъминлайди.

1990 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 3-модда 2-пункти²га биноан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64-моддаси ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар³ деб белгилайди. Кўрсатиб ўтилган нормалар мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддаси 2-қисмида вояга етмаган фарзандаларини ихтиёрий боқиш мажбуриятини бажармаётган ота-оналардан суд қарори бўйича алимент ундирилади⁴.

Масалан, 1998 йил 28 сентябрда Нукус шаҳар суди фуқаро Ш.нинг фарзандларини боқиш учун алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқиб, жавобгар фуқаро (боланинг отаси) ойлик маошини уйга олиб

¹ Гражданское дело № 737. Архив Нукусского городского суда. 1998

² Ўзбекистон ва междоународные договоры по правам человека. Т. 1998

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Адолат. 1999

⁴ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Т. 1998.

келмайди, яъни фарзандларни боқиш мажбуриятини бажаришдан бош тортади деб белгилади. Баён этилганлар асосида ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-модда 2-қисми, 99-моддаси ва 104-моддасига мувофиқ суд вояга етмаган фарзандларни боқиш учун барча даромад турларининг 50% миқдорида алимент ундириш тўғрисида қарор чиқарди¹.

Фуқаролик суд иши тартибида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракат ҳамда қарорлари устидан шикоятлар кўрилади.

Судга шикоят билан мурожаат этиш, шикоят қилинадиган ҳаракатлар (қарорлар) ҳамда шикоят қилиш тартиби 1995 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида қабул қиланган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳаракат ҳамда қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунда кўрсатилган.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши натижасида судларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари анча кенгайди. Агар аввал фақат мансабдор шахслар ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш мумкин бўлса, ҳозир «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳаракат ҳамда қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасига биноан давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг узини бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳам яқка ҳолдаги, ҳам коллегиал ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга шикоят қилса бўлади².

Шундай қилиб қонун нафақат мансабдор шахслар, балки шунингдек, ҳокимиятлар, улар тузган комиссиялар, вазирликлар, органлар ва уларнинг бўлимлар ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш имконини беради.

1998 йил учун суд статистикасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси биринчи инстанция судларига давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан 2289 ариза, шу жумладан 9 шикоят тушган ва улардан 5 таси шикоятни қондириш қарори билан кўриб чиқилган³.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича юрисдикциясини амалга ошириш экан Ўзбекистон Республикаси суд органлари уларга риоя этишни ва ўз-ўзидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашни таъминлайдилар.

¹ Гражданское дело № 333. Архив Нукусского городского суда. 1998

² «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳаракат ҳамда қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.

³ Государственная статистическая отчетность по гражданским делам Министерства Юстиции Республики Каракалпакстан. 1998

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Важнейшие задачи углубления демократических реформ на современном этапе. Т. Узбекистан. 1996 г
2. Каримов И.А. Важнейшие задачи углубления демократических реформ на современном этапе. Т. Узбекистан 1996 г
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий таракқиётининг асосий тамойиллари. Т. Ўзбекистон. 1995
1. Абдусаламов М. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана.....
2. Абдусаломов. М. Хозяйственные суды Республики Узбекистан. Т. 1998.
3. Алексеева О.Б., Жуйков В.М., Лукашук И. И., Международные нормы о правах человека и применение их судами Российской Федерации. И. Права человека, 1996 г.
4. Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. Именем закона.-Т. 1997
5. Вестник Конституционного суда Республики Узбекистан. Выпуск №1, Т.1998
6. Государственная статистическая отчетность по уголовным делам Министерства Юстиции Республики Каракалпакстан 1998
7. Исмаилов Б. И. Суды нужно специализировать//Народное слово. 2000. 7 октября
8. Мингбоев У. Суд - шундай ҳокимиятки. Т., "Шарқ", 1999. 116-б.
9. Умарахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. - Т.: Изд-во "Академия", 2003.
10. Судебная власть в Узбекистане: время реформ. Сост.: А.А.Полвонзаде, Г.А.Абдумаджидов, Б.А. Наимов, Е.Н.Никифорова. – Т.: «Адолат», 2002.